



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

2007 йил 14 декабрь, жума. № 52 (650)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониға мувофиқ:

1. 2007 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 19 декабрға тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси муражаатини инобатга олиб, 2007 йил 19 декабрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Ризо Хуссейини “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ва ЮНИСЕФ ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, баркамол ёш авлоднинг тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшгани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий со-


ҳада эришган ютуқларини халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб этишдаги хизматлари учун ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Ризо Хуссейини “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 12 декабрь

ЁШЛАРГА ИШОНЧ ВА ИМҚОН ОРТАДИ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “2008 йил — Ёшлар йили” деб эълон қилинган онларда оиламизда бамисли байрам бўлиб кетди. Отам ҳам, ойим ҳам: “Ана, ёшлар замони келди” деб, биз — фарзандларига ҳаяжон билан боқибди. Ростини айтганда, ўзимиз ҳам тўлқинланиб кетдик. Ўртбошимизнинг мазкур йилға шундай ном беришдан кўзланган асл мақсадлар, унинг аҳамияти ва моҳияти ҳақидаги сўзларни, бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури

тўғрисидаги кўрсатмалари ҳамда йўл-йўриқларини диққат билан тингладик. Айниқса, “Юртимизда яшайтган ҳар бир бола-нинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўйбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак...” деган сўзлар ҳар биримизнинг қалбимизга умид, ишонч ва ғамхўрлик уруғларини сочди. Юртимизда ўтказилаётган “Нихол” ва Сулфия Давлат мукофоти танловлари, “Янги

авлод” ва “Келажак овози” кўрик-танловлари истиқлол йиллари минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этганини кўриб турибмиз, ахир. Зора, келгусида улар сафида бизнинг оиламиз аъзолари ҳам пайдо бўлса, деб ширин орзулар қилдик. Негаки, бундай имкониятлар негизини мамлакатимиз Конституциясида: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади” (41-модда). “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқлари-

дан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади” (42-модда) деган қондалар билан муҳрлаб қўйилган.

Шубҳа йўқки, Конституция-мизнинг ана шу моддалари асосида, келгуси йилда мамлакатимизда ёшларга эътибор янада кучаяди. Уларга бўлган ишонч тобора ортиб, ўзларини намоян этишлари учун майдон кенгайди. Бу майдонда биз, ёшлар ҳам давлатимизга келажакда ишонч, таянч ва суянч бўлиб чиқиб қиламиз.

Раҳмат ЗАРИПОВ,
ТДЮИ магистранти

Муносабат

Фракция ййгилиши

АНИҚ ТАКЛИФЛАР

қонун лойиҳаларини мукамаллаштиради

Олий Махлис Қонунчилик палатасида “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг ййгилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова бошқарган ййгилишда бир неча қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Даставвал “Оператив-кидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси бўйича парламент қўйи палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Б.Якубовнинг маърузаси тинг-ланди.

Қонун лойиҳаси муҳокама-сида депутатлар ушбу қонун оператив-кидирув фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бир-га, умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари-рига риоя этишни кафолат-лайди, дея эътироф этишди. Қолаверса, мазкур меъриий ҳужжат оператив-кидирув фаолиятини амалга оширув-чи органларнинг ҳуқуқий ка-фолатлари тизимини ҳам му-стаҳкамлаш таъкидланди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Қонун тартибидан ўрин ол-ган иккинчи масала — “Ўзбе-кистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида”ги қонун лойиҳаси бўлди. Айтиш лозимки, ушбу кодекс Республика Олий Кен-гаши томонидан 1993 йил 7 майда қабул қилинган. 1997 ва 2000 йилларда кодексга ўзгартиш ва тўлдиришлар киритилган.

Қонун лойиҳасига кирити-лаётган ўзгартиш ва қўши-мчалар мавжуд кодекснинг ай-рим моддаларини халқаро ИКАО стандартлари талаб-ларига ўйғунлаштириш ҳамда ҳодимлари учун муайян имтиёزلарни мустаҳкамлаш, ҳуқуқатининг айрим ваколат-ларини авиация маъмурият-га ўтказиш мақсадида кири-тилмоқда.

Муҳокама давомида фрак-ция аъзолари авиакассалар-да чиқатларини ўз вақтида ва

белгиланган нархда сотили-ши юзасидан назоратни ку-чайтириш лозимлигига ҳам алоҳида урғу беришди. Шу-нингдек, фуқаро авиацияси-нинг собиқ ҳодимларини иж-тимойй қўллаб-қувватлаш, миллий авиация шакллани-ши ва тараққиётига қўшган ҳиссасини эътироф этиш мақсадида уларға ҳаво транспортда бепул юриш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги моддани кодексга киритиш ҳақида таклиф билдирилди.

Ййгилишда “Вояга етма-ганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунчилик-ни бузганлик учун жавобгар-лиқни қўчайтириш билан бо-лиқ бўлган Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон “Адолат” соци-ал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишда депутатлар “Фан тўғрисида”ги қонун лойиҳа-сини биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бугунги кунда республика-мизда фан тараққиёти ҳамда илмий ҳодимлар фаолияти-ни таъминлаш борасида му-айян шарт-шароитлар яра-тилган. Шунга қарамадан, ҳозирга қадар илмий-тех-никавий фаолиятни бошқариш, ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-қувватлашда я-нада мажмуий ёндашув ишлаб чиқилмаган, тадқиқотларни амалга ошириш, илмий ҳо-димларнинг алоҳида ҳуқуқла-рини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси мавжуд эмас. Ййги-лишда бу каби камчиликлар-ни бартараф этиш, илмий фаолият соҳасидаги муно-сабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу қонун лойи-ҳаси ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада мукам-маллаштириш юзасидан фикрмулоҳазалар билди-ришди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
“Адолат” мухбири

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кунини

ВАТАН ТУЙҒУСИ ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

нафақат сиёсий партия аъзоси, балки ҳар бир сайловчи фаолиятига дахлдордир

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Дилором Тошмуҳамедова 11 декабрь кунини Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Пойтахтимиздаги Республика Байналмилал маданият марказида бўлиб ўтган учрашувда Тошкент шаҳрининг барча туманларидан сайловчилар вакиллари қатнашди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловчи ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Анвар Аҳмедов олиб борди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Собир Раҳимов туман маънавият ва маърифат кенгаши раиси Фаридат Пармонова ййигиланларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмуҳамедова ўзининг сайловолди дастури тўғрисида маъруза қилди. У ўз маърузасида, аввало, “Шарқ дарвозаси” дея эътироф этиладиган Тошкент шаҳрида мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари хусусида тўхталди.

Президентликка номзод Дилором Тошмуҳамедова кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилаётган Президент сайлови кампаниясида бевосита иштирок этиш Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси учун жамият ва электротат олдда ўз кучини, салоҳиятини ҳар томонлама

намоян этиш учун катта имконият, муҳим синов эканлигини алоҳида таъкидлаш асосида, ўз сайловолди дастурининг асосий устувор йўналишлари мазмун-моҳияти тўғрисида сўз юритди.

— Сайловолди дастури-миздан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш; илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотларни янада жадаллаштириш; суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш; аёлларнинг жамиятдаги маънавий аҳамияти ошириб бориш; ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш каби устувор вазифалар ўрин олган, — деди, жумладан, номзод, — Хусусан, дастурининг биринчи устувор йўналишида республикамизда қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш, энергия ресурсларидан тежамдорона фойдаланиш чора-тадбирларини кенгайтириш иқтисодиёт тараққиётида муҳим аҳамиятга эга, деб белгиланган.

Маърузада, шунингдек, дастурининг муҳим йўналишларидан яна бири ижтимоий соҳага оид эканлиги қайд этилди. Чунончи, ижтимоий масалаларни ҳал қилишда хусусий тадбир-корлик билан шуғулланув-чи ҳўжалик субъектларининг ижтимоий масъулиятини қўчайтириш бугунги

куннинг долзарб вазифалардан биридир. Шу боис, бу йўналишда қатор тадбирларни амалга ошириш, жумладан, мазкур соҳа қонунчилик базасини бир-мунча такомиллаштириш лозим. Умуман олганда, ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигига эришишда фуқароларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, қолаверса, ҳуқуқий-сиёсий савия-сини катта аҳамият касб эти-ши таъкидланди.

Учрашувда номзод сайловолди дастурининг фан, таълим, маънавият ва маданият соҳаларини ўз ичига қа-мраб олган олтинчи устувор йўналиши тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Сайловчилар билан учра-шувда Тошкент Давлат иқти-содиёт университети ўқитув-чиси Феруза Акрамова, Тош-кент кимё технологиялари институтини проректори Мах-фуза Қорахўжаева, «Қорёғ-ди» маҳалла фуқаролар йй-ғини раиси Миржамшид Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазала-рини билдиришди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловчи очиб ва ошқора, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани, бу мамлакатимизда демок-ратик таъминларга тўлиқ амал қилинаётганининг ёрқин далили эканлиги таъ-кидланди. Ййгилиш ишти-рокчилари сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь кунини бўладиган Президент сайло-вида фаол иштирок этишга чақирдилар.

К.АЛЛАЕВ,
“Адолат” мухбири

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Дилором Тошмуҳамедова 13 декабрь кунини Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Даставвал шунини таъкид-лаш жоизки, кўппартиявий-лик Самарқанд сиёсий муҳи-тида аллақачон ўзини оқлаб, соғлом, ошқора рақобатни юзага келтирмоқда ва аҳоли-нинг турли ижтимоий қатлам-лари ўртасида фуқаролар позициясини шакллантириш-га хизмат қилмоқда. Шу боис, Президентликка номзод Ди-лором Тошмуҳамедованинг сайловолди учрашувига ҳам кўр доирадаги халқ вакил-лари — зиёлилар, тадбиркор-лар, фермерлар, шифокор-лар, оммавий ахборот воси-талари ҳодимлари ўзларини таъкирлаган саволлар билан таъриф буюришди.

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар саройи»да бўлиб ўтган учрашувни 8-Самар-қанд округ сайлов комиссия-си раиси Азамат Умаров олиб борди. Сўнгра Прези-дентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон «Адолат» СДП Жомбой туман Кенгаши биринчи котиби Гул-бахор Муқаддасова сайлов-чиларни номзоднинг таржи-маи ҳоли билан таништирди.

Учрашувда Президентлик-ка номзод Дилором Тошму-ҳамедова сайловолди дасту-ри тўғрисида маъруза қилди.

— Мамлакатимизда фуқа-роларнинг давлат бошқару-видаги, сиёсий қарорлар қабул қилинишидаги ишти-роки тобора кўнайиб бормоқ-да, — деди Дилором Тошму-ҳамедова. — Сайлов эса, бу жараёни янада фаоллаш-тирмоқда. Халқимиз жамият-да амалга оширилаётган чу-қур демократик ўзгаришлар-нинг, сиёсий ислохотларнинг гувоҳи бўлиб турибди. Шу жиҳатдан, сайлов партиями-з учун сиёсий рақобат майдон-ида чиниқиш, тажриба олиш, таълим тизимидagi ислохотларни янада сама-рали давом эттириш ҳам да-стурунинг муҳим йўналишларидан бири экани қайд этилди.

Номзоднинг сайловолди дастури юзасидан бўлиб ўтган музокараларда Фуқа-ролик жамиятини ўрганиш институтини Самарқанд фили-али ҳодимлари Жамилла Ва-фоева, Фарҳод Набиев, Са-марқанд шаҳридаги хусусий

тиббидиёт муассасаси шифо-кори Соҳида Зокирова ва бошқалар сўзга чиқиб, дас-тур хусусида ўз фикр-муло-ҳазаларини билдиришди.

Учрашув иштирокчилари барча сайловчиларни 23 декабрь кунини бўлиб ўтади-ган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири

гина жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлади. Шундай корхоналар бизда оз эмас. Биргина Самарқанддаги «СамАвто» ҳамда асосан ма-ҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини бо-сувчи электрон рўзгор жи-ҳозлари чиқараётган «Сино» заводлари бу интилишнинг исботидир.

Номзод иқтисодиётдаги юксалишлар ижтимоий ҳаёт-да ўз ақсини топишни таъ-кидлаб, бу соҳада сайловол-ди дастурида белгиланган асосий йўналишларга ишти-рокчилар эътиборини қарат-ди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим тизимидagi ислохотларни янада сама-рали давом эттириш ҳам да-стурунинг муҳим йўналишларидан бири экани қайд этилди.

Номзоднинг сайловолди дастури юзасидан бўлиб ўтган музокараларда Фуқа-ролик жамиятини ўрганиш институтини Самарқанд фили-али ҳодимлари Жамилла Ва-фоева, Фарҳод Набиев, Са-марқанд шаҳридаги хусусий

тиббидиёт муассасаси шифо-кори Соҳида Зокирова ва бошқалар сўзга чиқиб, дас-тур хусусида ўз фикр-муло-ҳазаларини билдиришди.

Учрашув иштирокчилари барча сайловчиларни 23 декабрь кунини бўлиб ўтади-ган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Тараддуд

КўМАК ГУРУҲЛАРИ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



Айни кунларда мамлака-тимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — Ўзбеки-стон Республикаси Прези-дентини сайловига юртимиз-нинг барча ҳудудлариди-кизгин тайёргарлик кўри-лмоқда. Жумладан, пойтах-тимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 219-сайлов участкасида ҳам бу бора-да эътиборга молик иш-лар олиб бориляпти.

— Очиб ва ошқора, му-қобиллик асосида ўтади-ган Президент сайлови демократия белгиси бўлиб, одил фуқаролик жамиятини барпо этишда-ги муҳим қадамдир, — дей-ди участка сайлов комис-сияси котиби Улугбек Бой-муродов. — Шу боис, 23 декабрь кунини бўлиб ўта-диган Ўзбекистон Респу-бликаси Президентини сайло-вига пухта тайёргарлик кўраймиз. Айни шу мақ-садада кўмак гуруҳларини ташкил этганимиз. Бу гу-

руҳларга олий ўқув юрт-ларининг фаол ва тажри-бали ҳодимлар бирикти-рилган.

Сайлов участкаси ҳуду-дида жами 3035 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 2315 на-фарини олий ўқув юрти та-лабалари ташкил қилади. Эътиборли жиҳати, 1268 нафар ўғил-қиз бу йилги сайловда илк маротаба иштирок этишди. Бу, ўз навбатида, участка сайлов комиссияси аъзолари зим-масига янада катта масъ-улият юклямоқда. Барча зарур техник воситалар, турли хил қўлланмалар, адабиётлар билан жиҳоз-ланган сайлов участкаси-да сайловчилар, айниқса, ёш сайловчилар иштиро-кида тез-тез учрашувлар ўтказиб турилмоқда.

У.ХУДОЙҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири
Носир ХАЙДАРОВ
олган сурат.

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ: ИСТИҚБОЛ ВА ИМКОНИЯТ

ХІХ асрдан бошлаб жаҳон иқтисодининг тез суръатлар билан ривожланиши энергия истеъмолининг ўсишига сабаб бўлди. Глобализация жараёни жадаллашиб бораётган бугунги кунда эса, жаҳон бозорида нефть ва нефть маҳсулотлари нархининг тинимсиз ошиб бориши ҳар бир мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳол энергия манбаларини қўлайтиришга бўлган талабнинг кучайишига олиб келмоқда.

Жаҳон таърибасига эътибор берадиган бўлсак, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб дунёда электр энергетикаси соҳасида ўзгаришлар яшаш зарурати туғилди. Уша пайтда бир қанча ривожланган Европа мамлакатларида электр энергиясини ишлаб чиқарувчи компаниялар қўнунлаштирилган монополияга эга бўлиб, энергия тарифи давлат томонидан белгиланарди. Бу тизим охириги йилларгача муваффақият билан ишлаб келмоқда эди. Аммо ёқилиш ресурслари нархининг қимматлашуви ҳамда энергия истеъмолининг ўсиши натижасида мазкур тизим ҳозирги давр талабини қондоролмай қолди. Эскирган қувватларни модернизациялаш ва янгиасида алмаштириш катта харажатлар талаб қилиб, бу энергия тарифининг ўсишига олиб келди. Натижада айрим мамлакатлар электр энергетика соҳасида унга бўлган табиий монополияни қўриб чиқишга мажбур бўлди ва мазкур монопол тармоққа рақобат элементлари киритилга бошланди. Бу янги тизим электр энергиясини ишлаб чиқаришда, истеъмолига етказишда, нарх белгилашда янги қонун ва тартибларни талаб қилди, норматив ҳужжатлар ҳамда талаб ва таъкиф асосида энергия бозори пайдо бўлди. Евроиттифок қўнунчилиги ҳозирги пайтда электр энергиянинг миллий бозорини тўлиғича очилиши мўлжалламоқда. Электр энергетикасида бурилиш яшаш умумжаҳон тенденциясига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 февралдаги Фармонида айнан шу масалалар назарда тутилган бўлиб, энергетика соҳасидаги иқтисодий ислохотларни қўқурлатиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Яъни, Фармонда энергетика тармоғини босқичма-босқич монополиядан чиқариш, электр энергия сотишда рақобат муҳитини ва ҳўжалик субъек-

тларининг электр тармоқларига кириш шароитини яратиш, йирик энергетика тармоқларини босқичма-босқич акциядорлик жамиятларига айлантириш, ижтимоий соҳа объектларини лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариб хусусийлаштириш, энергетика ташкилотларини акциядорлаштиришда чет эл инвестициясини кенг жалб этиш, энергия сотишда ва жўнатишда бозор принциплари ҳамда механизмни жорий этиш белгиланган.

Шу билан бирга, Фармонда энергиядан оқилона фойдаланиш ва электр энергиясини беҳуда сарф этишининг олдини олиш чорасини қўриш ҳамда ноъанавий, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва тадбир этиш асосий вазифалар сифатида кўрсатилган.

Албатта, ушбу Фармонда белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш бўйича мутасадди ташкилотлар томонидан муайян ишлар қўйилмоқда. Аммо иқтисодий ўсиш факат янги қувватларни ишга тушириш ёки нефть ва газ қазиб чиқаришни қўлайтириш билан қўлга киритилмайди. Айни пайтда қимматбаҳо энергия ресурслари ва энергияни оқилона ишлатишни ҳам талаб этади. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, энергия самардорлигини оширишга ажратилган маблағ уни ривожлантиришга ажратилган маблағдан кўра икки баробар унумлидир. Шунинг учун ҳам Олий Махлис Қўнунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қўнунига ўзгартирилган қўнун ҳақида"ги қонун шу йилнинг сентябрь ойида кучга кирди. Мазкур қўнун қабул қилишдан мақсад "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги қўнунни амалдаги қўнунчилик, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро стандартлар билан уйғунлаш-

тиришдир.

Норматив ҳужжатларда энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида энергиядан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари билан бирга, энергия сарфлаш кўрсаткичлари ҳам белгилаб қўйилди. Чўнончи ушбу қўнуннинг 8-моддасида энергия сарфлаш кўрсаткичлари сертификатлаш қўнунига қадар амалга оширилади. Махсулотни сертификатлаш эса, давлат органи бўлмаган аккредитацияланган мустақил юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Қўнунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш натижасида энергиядан оқилона фойдаланиш нормалари бошқа қўнун ҳужжатлари билан уйғунлашди, сертификатлаштириш эса амалиётда норматив ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилиши аниқлаштирилди.

Энергетика муаммосининг яна бир муҳим ечими қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишдир. Ушбу масала юзасидан Олий Махлис Қўнунчилик палатаси регламентининг 1.11-бобида кўрсатилган қўнунларни ҳамда Қўнунчилик палатаси қарорларини қўриб чиқиш тартибидеги 12-, 13- ва 14-моддаларига асосан, қўнун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни қўйи палатада биринчи ўқишда қўриб чиқишга тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг дастлабки йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда қўйи палатанинг Саннат, қўрилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Ноанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги қўнун лойиҳаси муҳокама қилинди. Қайта тикланувчи энергия манбалари асосан қўёш, шамол, дарё сувлари, биологик чиқиндилар энергияси ҳисобланади. Ўзбекистон йилига ўртача 270 қўёшли

кўнунга эга бўлиб, ер майдонининг 0,3 фоизига қўёш қурилмаларини жойлаштирган ҳолда, ҳозирги энергияга бўлган талабни тўлиғича қондира олади.

Қўёш энергиясини ишлатиш бўйича тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланган бўлса-да, ҳозирги вақтгача ундан кенг қўланда фойдаланилмаган. Сабаби нисбатан арзон бўлган газ ва кўмир ёқилгиларидан фойдаланиб келинаётгандир. Дарё сувлари энергияси мамлакатимизда жами ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 9-15 фоизини ташкил этади. Шамол энергиясидан эса деярли фойдаланилмади.

Айтиш жоизки, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги қўнуннинг 20-моддасида қисқача кўрсатилган бўлиб, унинг етарли даражада ишлатиш учун меъёрий-ҳуқуқий база яратилмаган. Шунинг учун ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида бугунги кунда "Ноанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида" қўнун яратишга киришилди.

Тайёрланиши қўйлаётган қўнун, аввало, келажакда захирали чекланган табиий газ ёқилишининг ўрнини алмаштиришни, аҳолини мунтазам равишда электр энергияси билан таъминлашни, экологияни яхшилашни кўзда тутди.


Хўлоса қилиб шунини айтиш лозимки, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳимлиги жиҳатидан давлат микёсидеги масала. Аммо бу масалани давлат ёки мутасадди тармоқ, ташкилот, муассаса ечимли керак, деган тушунча – нотўғри. Аксинча, энергиядан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бинобарин, қўнунлиқ ҳаётимизда беқор ёниқ турган чирок, оқиб турган сув ва ҳаказо ҳолатларни бартараф этган ҳар бир фуқаро энергиядан оқилона фойдаланиш муаммосини ечишга ўз ҳиссасини қўшган бўлади.

Абдулла АБДУНАЗАРОВ,
Олий Махлис Қўнунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

ҚўЛИ ГҲЛ КУЛОЛ

Уста Насрулло китоблик қўлоллар сулоласи вакили бўлиб, ушбу ҳунар сир-асрорларини отаси – машҳур қўлол Файзулло Абдуллаевдан ўрганган. Ота изидан бориб, ўзига хос усуллар билан янги-янги қўринишда сопол буюмлар ясаётган Насрулло Абдуллаев қўлаб кўргазмаларда қатнашган. Унинг махсулотлари Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Москва шаҳарлари, Франция, Германия ва Япония каби мамлакатлар музейларидан ўрин олган.

Суратда: қўлол Насрулло Абдуллаев иш устида.



Шоҳмурод ШАРИПОВ
(Уш) олган суратлар

ҚОНУНИЙЛИК, ОШКОРАЛИК, АДОЛАТЛИЛИК

сайлов жараёнининг муҳим тамойилига айланган

Ўзбекистон халқи катта сиёсий тарихий воқеа олдиде турибди. Мамлакатимиз келажаси, унинг эртанги кўни учун янги муҳим жараён – 23 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Муҳимимиз сайлов жараёнига оид саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Беруний Ашимова мурожаат қилди:

– Аввало, сайлов жараёнининг энг сўнгги янгилликларидан хабардор қилсангиз...

– Яқинда Республика Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига кузатувчи сифатида иштирок этиш учун МДХ Ижроий қўмитасининг мамлакатимизга ташриф буюрган вакиллари гуруҳи билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг округ, участка сайлов комиссиялари аъзолари ҳуқуқий билиминини ошириш, сайлов кўни участка сайлов комиссияларининг иш тартиби, овоз бериш, овозларни санаш, сайловга оид ҳужжатларни расмийлаштиришни ташкил этишга доир ва бошқа масалалар бўйича амалий муҳофизотлар ўтказилаётти. Шунингдек, участка сайлов комиссиялари ўртасида қўрик-танлов ҳам уюштирилган.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг округ, участка сайлов комиссиялари аъзолари ҳуқуқий билиминини ошириш, сайлов кўни участка сайлов комиссияларининг иш тартиби, овоз бериш, овозларни санаш, сайловга оид ҳужжатларни расмийлаштиришни ташкил этишга доир ва бошқа масалалар бўйича амалий муҳофизотлар ўтказилаётти. Шунингдек, участка сайлов комиссиялари ўртасида қўрик-танлов ҳам уюштирилган.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг округ, участка сайлов комиссиялари аъзолари ҳуқуқий билиминини ошириш, сайлов кўни участка сайлов комиссияларининг иш тартиби, овоз бериш, овозларни санаш, сайловга оид ҳужжатларни расмийлаштиришни ташкил этишга доир ва бошқа масалалар бўйича амалий муҳофизотлар ўтказилаётти. Шунингдек, участка сайлов комиссиялари ўртасида қўрик-танлов ҳам уюштирилган.

Социал-демократия тарихидан

СИЁСІЙ ТАЖРИБА ВА МУВАФФАҚІЯТ ОМИЛЛАРИ

ёҳуд социал-демократиянинг швед модели

Журналистлар ва сиёсатчилар "швед социализми", деган иборага алоҳида урғу беришади. Бунинг асосий сабаби "швед социализми", деб аталган давлат тизимининг янги бир модели яратилгани, юқори турмуш даражаси, шу билан бирга бандлик, ҳуқуқий ва моддий жиҳатдан аҳолининг ижтимоий ҳимояси таъминлангани ҳамда бошқа етакчи давлатларда ҳам рўёбга чиқарилмаган ижтимоий адолат тамойиллари қарор топтирилганидир.

Мазкур тизимнинг асосий ижодкори Швеция социал-демократик ишчи партияси (ШСДИП) ҳисобланади. Бу партия 1889 йили Стокгольм социал-демократлар бирлашмаси раҳбари Яльмар Брантинг раҳбарлигида чакрилган съездда таъсис этилган. Дастлабки даврда партия социал-демократик йўналишдаги касабга уюшмалари, бир қанча сиёсий ташкилотларнинг тарқок гуруҳлардан ташкил топиб, ўзининг ягона сиёсий раҳбар органига эга эмасди. Партиянинг тузилмавий таркибини шакллантириб, уни ягона сиёсий кучга айлантирувчи муайян вақт ўтди. Шу боис, партиянинг бошқарув кенгаши ва ижроия қўмитаси биринчи марта 1907 йили ўтказилган ШСДИП съездида сайланди. Партия раиси лавозимини социал-демократлардан Риксдаг (парламент)га сайланган биринчи депутат Яльмар Брантинг эгаллади.

1917 йилда ўтказилган парламент сайловларида ШСДИП катта галабага эришиб, Швеция либераллар партияси билан биргаликда коалицион ҳукумат тузиш

имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга, Риксдагдаги кўпчилик ўринлар тез орада ҳамма учун тенг сайлов ҳуқуқи тўғрисидаги қўнуннинг қабул қилинишига ва социал-демократларнинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори ошишига олиб келди. Йигирманчи асрнинг иккинчи ўн йиллиги Швеция социал-демократлари учун оғир йиллар бўлди. Россиядаги октябрь тўнтарини таъсирда юзюга келган радиокаллар ҳаракати партия курсини ўзгартириб, инқилобий йўналишни талаб қилиб чиқарди. Бу талаб қондирилмагач, радикаллар ШСДИПдан чиқиб, ўзларининг Швеция коммунистик партиясини ташкил этдилар. Бунинг устига 1925 йили партия етакчиси Яльмар Брантинг вафот этди.

Бу қийинчиликларга партия бардош бериб, ўз сафларини мустахкамлади, мафкуравий голяларини қўчайтирди. Айнан шу даврда "халқ уйи" деб номланган сиёсатнинг пойдевори яратилди. Бу сиёсатнинг асл мақсади демократик социализм бўлиб, партия нафақат ишчилар синфининг, балки

айниқса, 1969 йили Улоф Пальме ШСДИП раиси этиб сайлангандан сўнг юқори даражада ўз ечимини топди.

Улоф Пальме раҳбарлигида партиядан сайланган депутатлар томонидан конституцион ислохотлар амалга оширилди. Давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг роли қўлайтирилди, Риксдагга ўз депутатларини ўтказиш олган партиялар бюджетдан молиялаштирилмаган бўлди.

Шу йилларда партия етакчилигининг инсонпарварлик қарашлари билан халқаро майдонда ҳам катта обрў-эътиборга эришди. Улоф Пальменинг Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамга қарши урушини тўхтатиш тўғрисидаги қаҳуриги миллионлаб тинчликсевар инсонлар қалбига акс-садо берди.

Саксонинчи йиллар бошида ўнг партиялар коалициясидан ташкил топган ҳукумат Швецияни яна иқтисодий инкирозга туширди. 1932 йилдаги сингари бу гал ҳам социал-демократлар ўзларининг мамлакатни инкироздан чиқариш дастурини эълон қилдилар ва 1982 йил сайловларида ғолиб чиқиб, ҳукумат тузишга эришдилар. Натижада Улоф Пальме бошчилигидаги социал-демократлар ҳукумати инкирозни бартараф этишга муваффақ бўлди.

1986 йил 26 февралда ўз фаолиятининг энг порлоқ ва навиқорон даврида Швеция бош вазири, Социалистик Интернационал етакчилари-

дан бири Улоф Пальме номаълум киши томонидан отиб ўлдирилди. Бу муҳим воқеа нафақат швед халқини, балки барча бутун жаҳон демократлари қалбини ларзага солди. Бироқ швед социал-демократлари бу йўқотилган саросимига тушмадилар. Партия раиси ва бош вазир лавозимларини У.Пальменинг савдоши Ингвар Карлссон эгаллади.

Охириги йиллар давомида ШСДИП ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш олиб бориш, ишбиланчи камайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш масалалари билан бирга, чекка ҳудудларни ривожлантириш, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва табиатни муҳофиза қилиш масалаларини ҳал этиш бора-бора фаолият юритиб келмоқда. Агар Швеция социал-демократик ишчи партиясининг кўп йиллик фаолиятини таҳлил қилиб чиқсак, бир қўрсаткич кўзга яққол ташланади – бу партиянинг 118 йиллик фаолиятининг деярли ярмини ҳукумат тепасида ўтказгандир. Шу жиҳатдан социал-демократик йўналишдаги бошқа бирор партия ШСДИПга тенглаша олмайд. Бу ютуқнинг асосий омиллари эса қуйидагилардан иборат:

– партия дастурларида кўрсатилган вазифаларнинг электрорат хоҳиш-иродасига мослиги ва ҳозиржавоблиги;

– партия нафақат ишчилар синфи, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатлари ҳимоясини ўз фаолиятида мужассамлаштиргани;

– ёлланма ишчилар ва тадбиркорлар манфаатларига мос тушадиган "Ижтимоий ҳамкорлик" голяларини ўз таърибасида синая, амалиётга қўллагани;

– ўз ичидан катта интеллектуал салоҳиятга эга бўлган етакчи кадрлар потенциалини тарбиялаб етиштиргани.

Экспертларнинг хўлосасига кўра, социал-демократлардан чиққан швед ҳукуматининг барча вазирлари ўз соҳаларининг дахиллари бўлишган. Бунга 1932 ва 1982 йилларда мамлакатни инкироздан олиб чиққан ҳукумат аъзолари мисол бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, Швеция социал-демократик ишчи партиясининг кўп йиллик фаолияти давомида тўплаган бой таърибасининг ибратли жиҳатлари бисёр. Уларни чуқур ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси каби ёш партиялар амалиётда қўллаш истиқболда яхши натижалар бериши мўқаррардир.

вазифаларнинг изчил охирига етказилиши;

– швеция касабга уюшмалари билан кенг ҳамкорликда иш олиб борилиши;

– партия нафақат ишчилар синфи, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатлари ҳимоясини ўз фаолиятида мужассамлаштиргани;

– ёлланма ишчилар ва тадбиркорлар манфаатларига мос тушадиган "Ижтимоий ҳамкорлик" голяларини ўз таърибасида синая, амалиётга қўллагани;

– ўз ичидан катта интеллектуал салоҳиятга эга бўлган етакчи кадрлар потенциалини тарбиялаб етиштиргани.

Экспертларнинг хўлосасига кўра, социал-демократлардан чиққан швед ҳукуматининг барча вазирлари ўз соҳаларининг дахиллари бўлишган. Бунга 1932 ва 1982 йилларда мамлакатни инкироздан олиб чиққан ҳукумат аъзолари мисол бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, Швеция социал-демократик ишчи партиясининг кўп йиллик фаолияти давомида тўплаган бой таърибасининг ибратли жиҳатлари бисёр. Уларни чуқур ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси каби ёш партиялар амалиётда қўллаш истиқболда яхши натижалар бериши мўқаррардир.

Равшан ХАЙДАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши котиби



Шоҳмурод ШАРИПОВ
(Уш) олган суратлар

этишлари билан ҳам белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам бу борада муҳим синов бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Айниқса, бугун республикаимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этган мамлакатимиз ёшлари учун бу алоҳида мактаб ва таъриба майдонидир. 23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига 2 миллионга яқин йигит-қиз қатнашади. Шу муносабат билан сайловчиларнинг, хусусан, ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билим даражасини ошириш масаласи Марказий сайлов комиссиясининг доимий диққат-эътиборида. Оммавий ахборот воситаларида миллий сайлов қўнунчилигининг мазмун-моҳияти, сайловни ўтказиш тартиби уларга атрофлича тушунтириб борилаётти.

– Шу ўринда Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази ва ОАВ ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз...

– Яқин икки-уч кун ичида сайлов жараёнини ёритиш истагини билдирган оммавий ахборот воситалари вакиллари уларнинг Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида аккредитация қилингани ҳақида гувоҳномалар топширади. Қатор учрашувлар ва матбуот анжуманлари ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Округ сайлов комиссияларининг матбуот хизматлари, оммавий ахборот воситалари билан доимий алоқа ўрнатган.

Суҳбатдош:
Бехбўд БОТИРОВ,
"Адолат" муҳбири

ИФТИХОР ИФОДАСИ

Мамлакат тақдирига дахлдорлик тўғриси ҳар бир фуқарода ватанпарварлик ҳамда фидойилик фазилатларини камол топтиради. Бу, ўз навбатида, сиёсий онг, билим ва ҳулқ-атворни ўзда мужассам этган сиёсий маданиятнинг шаклланишига ёрдам беради.

Сиёсий маданиятга эга бўлиш эса жамиятга шахсоннинг ўрнини, маъқени белгилайдиган энг асосий хусусиятлардан саналади. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган биз, ёшлар билим олиш, маънавий дунёимизни бойитиш ва жисмонан чинқиш билан бир қаторида, сиёсий онгимизни юксалтиришимиз, Ватанимиз ва ундан ташқарида рўй бераётган жараёнлардан изчил хабардор бўлиб боришимиз лозим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳуқуқий давлат ва демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бораётти. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар муқаррар тус олган. Чўнончи, ҳақиқий қўнунчилик тизими яратилди. Профессонал асосда ишлайтган Олий Махлис Қўнунчилик палатаси таркибида турли сиёсий йўналишлардаги 5 та партия вакиллари бор. Қўнунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора қўнайиб, кенгайиб бораётти. Бу эса, қабул қилинаётган қўнун ҳужжатлари сифатида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, юртимизда давлатни бошқаришда, мамлакат раҳбарини сай-

лашда ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг фикри, овози жиддий эътиборга олинади. Яна бир неча кундан кейин, аниқроғи, 23 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлов жараёнида бунга яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Айни кунларда барча ташкилот, меҳнат жамоаларини, мактабларда, олий ўқув юртларида ва маҳаллаларда сайлов билан боғлиқ тушунтирув ишлари олиб боришмоқда.

Мен бу кунни мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий тадбир, деб ҳисоблайман ва ҳаётимдаги унутилмас санага айланишига ишонаман. Тўғри, инсон умри давомида бир неча сайловларда қатнашиши имконига эга бўлади. Лекин, илк мартаба сайловчи сифатида иштирок этиш киши қалбига ва онига Ватанга нисбатан ўзгача моҳир, ифтихор туйғулари пайдо қиларкан. Шу маънода илк бор сайловчи сифатида жонажон Ўзбекистоннинг Президентини ўқун бўладиган сайловда муносиқ номзодга овоз бериш мумкинлигидан беҳад бахтиёрман ва ўзимнинг мустақил сайлов ҳуқуқимга эга эканлигидан фخرланаман. Шу ўринда, ўз тенгдошларимга қарата: ҳар қандай давлатнинг қанчалик мустақил ёки заиф бўлиши унинг йўлбошчисига боғлиқдир. Демак, биз юрт тақдирини, Ватан келажagini учун овоз берамиз, дегим келади.

Малика СОАТОВА,
ЎзДЖТУ инглиз филологияси факультети талабаси

ИЛИҚ
ТААССУРОТ
ҚОЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш фуқароларнинг фаоллигини оширишга қўлмай, юртининг эртанги кунига дахлдорлик туйғусини шакллантиришга ҳизмат қилади. Ташқирот шахар Шайхонтохур туман Суд ижрочилири бўлими томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бора-сида талайгина ишлар олиб боришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туман аҳолиси Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига жиддий қизиқиш билан қарамокда. Бундан ўқизилган тадбир ва семинарлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, тумандаги 510-сайлов участкасида, шунингдек, "Шодлик", "Зангиота", "Илғор", "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган давра суҳбатлари кўпчилида катта қизиқиш уйғотди. Сайлов қончилиги бағишланган бундай жонли мулоқотлар, қизикarli учрашулар қатор таълим муассасаларида, ёшлар иштирокида ҳам давом эттирилди. Демакки, бу фуқароларимизнинг юрт келажиги, эртанги кунига бефарқ эмасликларидалолат беради.

Анвар МАМАРАҲИМОВ,
Шайхонтохур туман
Суд ижрочилири
бўлими ходими

ГЛОБАЛЛАШУВДАН УМИДВОРЛИК

Шубҳасиз, биз «Катта саккизлик» ҳақида кўп эшитганмиз. Бироқ аксариятимиз унинг мақоми ва ваколатлари тўғрисида яхши биламиз. Ваҳоланки, «Катта саккизлик» ўз штабига, қотибиятига, ижро органларига ва аниқ манзилига эга ташкилот эмас. Унинг бошқа халқаро ташкилотларга ўхшашан қонун-қондалар билан мустақамланган ҳамда ижро масъулиятини юклайдиган ваколатлари ҳам йўқ. Ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, дейлик, Европа Иттифоқи ёки НАТО каби халқаро ташкилотлар даражасидаги мақомга эга эмас.

Шунга қарамадан, «Катта саккизлик» жаҳондаги иқтисодий тараққиётга, қашшоқликни бартараф этишга, ўзаро савдо-сотиқни мувофиқлаштиришга, демократик жараёнларнинг боришига самарали таъсир кўрсата олади. Шу маънода, «Катта саккизлик»ни кучли ва иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлар раҳбарларининг ҳар йили учрашиб, маслаҳатлашиб турадиган иттифоқи, дейиш мумкин. Ёки уни дунё сиёсати ва иқтисодида таъсир кўрсатадиган давлатлар раҳбарларининг ёпиқ анжумани, деса ҳам бўлади.

«Катта саккизлик» таркибига АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Япония ва Россия қиради. Кўпинча, бу давлатлар раҳбарларининг учрашулари гавжум шаҳарлардан йироқроқ жойларда ўтказилади. Бир сафар сам-

мит ҳатто Атлантика океани қирғоқларидан юз километр узоқда жойлашган бир оролчада ўтказилди. Бошқа сафар эса учрашу Италиянинг Генуя шаҳрида ўтказилганда кўчалар намоийишчиларга тўлиб кетган. Шундан кейин бу тадбирларда эҳтиёт чоралари кўриладиган бўлди.

Ҳар йили «Катта саккизлик» саммити қаерда ўтишидан қатъи назар, глобаллашувга қарши қўллар дунёнинг турли жойларида ўз нозиликларини намоийиш этишади. Одатда, намоийишга чиқадиғанлар сафида урушга қарши бўлганлар, агар-муҳит химоячилари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш жамиятлари фаоллари бўлишади. Қўроқчилик ва очарчиликка қарши курашувчилар, бой мамлакатларнинг яна ҳам бойиб, камбағал мамлакатларнинг тобора камбағаллашиб бораётганидан ташвиш-

га тушганлар, минтақалардаги мураккаб ва моҳароли масалалар ечим топмаётганидан норозилар ҳамда турли мақсадларни кўзлаган анархистлар ҳам уларга қўшилиди. Намойиш орқали улар жаҳондаги етакчи давлатлар раҳбарлари эътиборини ўз муаммоларига қаратишга уринадилар.

Кўпинча бой давлатларнинг камбағал давлатлар муаммоларига етарли даражада эътибор қаратмаётгани антиглобалистлар норозилигига сабаб бўлади. Аслида ҳам тараққий этган мамлакатлар билан ривожланмаётган мамлакатлардан ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларида номуаносибликлар мавжуд. Бой мамлакатлар камбағал мамлакатларнинг энг яхши экспорт товарларига (тикучилик буюмларидан тортиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларигача) нисбатан тўсиқларни қўйиб қилиб юбормоқда. Бу нафақат харид қилиш ва нархнавоми белгилашда, балки турли тартиб-қоида ҳамда шартларни жорий этишда ҳам кўринмоқда. Антиглобалистлар иқтисодни глобаллаштириш демократияни бўйсизлантиради, деб ҳисоблайди. Шу маънода, баъзан «Катта саккизлик»ни катта иқтисодий имкониятлар-

га эга бойларнинг маслаҳат клуби ҳам дейишади.

Аслида жадал тараққий этаётган мамлакатлар юқорида номлари тилга олинган давлатлар билан чегараланиб қолмайди. Масалан, Хитой ҳар жиҳатдан тараққий этаётган давлатлар сирасига қиради. Жаҳон кун тартибидан турган барча мураккаб муаммоларни ҳал этишда Хитойнинг иштироки зарур. Бунинг устига Хитой БМТ Ҳавфсизлик Кенгазининг доимий аъзоси эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бу ҳуқуқий мақом унга ривожланиш йўлидан бораётган ва ривожланишдан ортда қолган мамлакатларнинг муаммоларига ёндашуларда кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

Айрим ривожланмаётган давлатларда қашшоқликдан қечкиниш ва халқнинг турмуш даражаси кўтарилиши кузатишмоқда. Бунга мисол қилиб Хиндистон ва Вьетнамни кўрсатиш мумкин. Агар глобал микёсда олинадиган бўлса, бундай ўзгаришлар бой мамлакатлар билан ривожланмаётган мамлакатлар аҳолиси ўртасида моддий таъминотдаги кўрсаткичлар фарқи камаяётганлигидан далолат беради.

Кўп ҳолларда «Катта сак-

кизлик» ўз саммитларида глобаллашув ва қашшоқлик, демократия, тараққиёт ва эркинлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш билан бирга, Ироқ, Яқин Шарқ ва бошқа жойлардаги қалтис вазиятларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Жумладан, Ироқдаги вазият бир неча саммитда муҳокама мавзуси бўлди. Шунингдек, Фаластин – Исроил моҳаросига дахлдор муаммолар бир неча бор кўриб чиқилди.

Барибир жаҳон иқтисодиёти ва дунё сиёсати муаммолари, глобаллашув истикболлари ва қашшоқликка қарши кураш имкониятлари билан боғлиқ масалалар «Катта саккизлик» учун устувор аҳамият касб этади. Чунки Осиёдаги айрим ҳамда Африкадаги аксарият давлатларда аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашиб бораётгани жаҳоннинг иқтисодий тараққиётига, аввало, глобаллашув жараёнига соя солиб турибди. Агар «Катта саккизлик» масъулиятини ўз зиммасига олиб таъсирчан қора кўрма-са, маслаҳат клубининг мададида умид сўниши мумкин.

Иброҳим НОРМАТОВ,
спёсий шарҳловчи
«Туркистон-пресс»

«ЛУКОЙЛ»НИНГ
ТУҲФАСИ

Россиянинг «Лукойл» компанияси Бухоро шаҳридаги 123-маҳсул мактаб-интернатга хорижда ишлаб чиқарилган энг замонавий эшитиш аппаратларини туҳфа этди.

Шунингдек, компания вакиллари мактаб-интернатга тортиқ этган ўй кино-театри русумидаги улкан телевизор, болаларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун олиб келинган тренажёрлар, киши ва ёзги спорт оёқ кийимлар ўғил-қизларни беҳад хурсанд этади. Мактаб-интернатга сова қилинган барча техник восита ва буюмларнинг умумий қиймати 40 миллион сўмдан ошди.

ФЕРМЕР ФИШТ
ЦЕХИ ОЧДИ

Жондор тумани «Қароли» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Хасан-Даврон» фермер хўжалиги ўзининг фишт ишлаб чиқариш цехига эга бўлди.

Йилга бир миллион донга фишт ишлаб чиқариш қувватига эга цех шарофати билан Хасан Худоев, Султон Мирзаев, Азамат Хасанов сингари ўнлаб маҳаллий ёшлар муҳим иш ўрнига эга бўлишди. Ҳозир фермернинг фишт цехида 15 нафар киши меҳнат қиляпти.

Д.ЖАББОРОВ,
«Адолат» мухбири

Банк

ОИЛАЛАРГА — ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, бир-бирдан қириқли, ҳашаматли иморатларни кўриб дилингиз яйрайди. Ёш оилалар хонадонларидаги замонавий меҳбелар, маийиш техника воситаларини кўриб кўзингиз қувонади. Албатта, бунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Республика АТИБ «Ипотекабанк» бошқаруви томонидан 2005 йилнинг ноябрь ойида жисмоний шахсларнинг уй-жой сотиб олишини ипотека кредитлаш тўғрисида вақтинчалик Низоми ишлаб чиқилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жорий йилда «Уй-жой қурилишига, уни реконст-

рукция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»-ги Низом тасдиқланиб, унда аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ипотека кредитини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар белгилаб берилди. Вазирлар Маҳкамаси қарори ижроси юзасидан 2007 йил 1 январь ҳолатига банкнинг вилоят филиали томонидан 62 нафар фуқарога уй-жой сотиб олиш чун 412,0 миллион сўм, Зарафшон филиали томонидан эса 49 нафар фуқарога 325,5 миллион сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилди.

Ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган 2007 йил 18 майдаги Президент Фармони эса бу бо-

рада қилинаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Фармон ижроси юзасидан банк филиали ўз маблағи ҳисобидан 114 та оилага 1039,7 миллион сўм ипотека кредитлари, 61 та оилага 146,8 миллион сўм истеъмол кредитлари ҳамда 33 та оилага 52,1 миллион сўм микрокредитлар ажратилди. Бундан ташқари, «Ипотека бериши қўллаб-қувватлаш» жамғармаси маблағи ҳисобидан 2007 йил октябр ва ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида 14 та ёш оилага 225,0 миллион сўм 15 йил муддатга имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Нормурод БЕРДИЕВ,
АТИБ «Ипотекабанк»
Навоий вилоят
филиали кредит бўлими бошлиғи

ҲАЛИМАХОН ТАДБИРКОР БЎЛДИ

Ҳалима Холиёрова Бойсуннинг олис Даштигоз қишлоғида истикомат қилади. У Халқ банки туман филиалига 800 минг сўм миқдорда микрокредит ажратиш сўраб мурожаат қилди. Банк ходимлари кредит ҳужжатларини тезда ўра-ниб чиқиб, микёзга сармоя ажратди. Тадбиркор аёл бундан оқилона фойдаланиб, бир неча қорамол сотиб олди.

Банкдан кредит олиб, аҳоли бандлигига қўмқашаётган Халимахон сингари тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бораёпти, — дейди Халқ банки туман филиали бошқарувчиси ўринбосари Илҳом Алимардонов. — Умуман олганда, қорвачиликни ривожлантириш

мақсадида филиал томонидан бу йил Меҳнат бандчилиги ресурси ҳисобидан 14 фуқаро 8750,0 минг сўм, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 99 фуқаро 85100,0 минг сўм миқдордаги микрокредитлар билан таъминланди.

Банк филиали мутахассислари маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари билан биргаликда микрокредитлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича доимий мониторинглар ўтказилмоқда. Бу эса, албатта, ўз самарасин бермай қолмаяпти.

Дарвоқе, банк филиали акка тартибдаги тадбиркорларга, микрофирма, деҳқон-фермер хўжаликларига ҳам молия-

Фарҳад ЭСАНОВ,
«Адолат» мухбири

Хориж
АббарлариБМТ: МИНГЙИЛЛИК
МАҚСАДЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси томонидан 2008 йил «Халқаро санитария йили», деб эълон қилинди.



Санитария қоидаларига риоя қилиш инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқлари, иқтисодий барқарорлик ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим шартларидан биридир. БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг сўзларига кўра, санитария масалалари ташкилотнинг Мингйиллик дастуридаги барча мақсадлар, айниқса, таълим, табиатни асраш, қашшоқ-

ликка барҳам бериш билан узвий боғлиқ.

Мазкур дастур доирасида 2015 йилгача зарур санитария шартига эга бўлмаган мамлакатлар аҳолисига ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Бироқ ҳанузгача дунёда икки миллиарддан зиёд киши соғлиқни сақлаш ва тозалик бора-сида зарур шартот билан таъминланмаган. БМТ маълумотларига қараганда, кўплаб мамлакатларда иқлимий суви танқислиги ҳамда санитария қоидаларига кўра, санитария масалалари ташкилотнинг Мингйиллик дастуридаги барча мақсадлар, айниқса, таълим, табиатни асраш, қашшоқ-

ТЕЛЕФОННИНГ СОХТАМИ?

Хитой уяли телефон бозорининг чорак қисmini сохта маҳсулотлар эгаллашди.

«China Tech Newsning» нашри маълумотига кўра, 2007 йилнинг октябр ойида мамлакат бозорига қарий 26 миллион дон сохта уяли телефон сотилган.

Ҳозир хорижнинг бошқа электроника моллари каби

уяли телефонлар ҳам Хитойда қонунга зид равишда ишлаб чиқарилади. Европалик мутахассислар Чин электроника товарлари қароқчилиги бўйича неча йиллардан бун етакчилиги қўлдан бермай келаётганини таъкидлашапти.

ЯНГИ АСРНИНГ ЯНГИ
ТРАНСПОРТИ

Транспорт воситаларининг инновацион турларини яратиш билан шуғулланувчи испан фирмаси сууда юриш имконини берувчи усулни ўйлаб топди, деб ёзади «Diariodeibiza» интернет-газетаси.

Нашр маълумотларига қараганда, Малагада рўйхатга олинган «Vehiculos con Inglenio» («Тўқма транспорт») компанияси тахминан бир ой аввал ўзининг янги кашфиёти — сув шарларини сотувга чиқарди. Бу шарлар шуниси билан диққатга сазоворки, улар ўз ичидида «йўловчилар»га сувада юриш имконини беради. Шу пайтгача антика «транспорт»нинг ўндан ортиғи сотилган.

Ушбу компания транспорт воситаларининг янги турларини яратиш билан шуғул-



ланади. Қашфиётлар орасида йўзма велосипед, сув самодати, радиообшқарувга эга самолёт ва автомобиль, электромобил ва ҳатто «учар» оёқ кийимлари ҳам учра-тиш мумкин.

ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

Бундан бирмунча вақт аввал Перунинг собиқ президенти Альберто Фухимори ҳибсга олинган эди...

Перу суди собиқ раҳбар устидан ҳукм чиқарди. Унга кўра, А. Фухимори ўз мансабини суиистеъмол қилганликда айбдор, деб топилди ва олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Аввалроқ

А.Фухиморининг 30 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкинлиги хабар қилинган.

Эслатиб ўтайти, А.Фухимори 1990 йилдан 2000 йилгача Перу президенти бўлган.

ҒАМХҲҲ ФАРЗАНДЛАР
БОРМИ?

Хиндистон парламенти томонидан кексайиб қолган ота-оналарга ғамхўрлик қилишдан бош тортиш фарзандлар экинйи жавобгарликка тортилгани ҳақида қонун қабул қилинди.



Қонунда фарзандларга ота-онаси учун ҳар ойда му-

айян миқдорда пул тўлаб туриш мажбурияти қўйилган. Хинд оилаларида кексайиб қолган ота-оналар нафақат фарзандлари, балки неварачеваралари даврасида умргузаронлик қилади. Лекин кейинги пайтда бу аънаъага пугур этиб, ёш оилаларнинг алоҳида ёш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

ЎҚУВЧИЛАР ЎҚҚА
ТУТИЛДИ

Жинойтчилар Лас-Вегасда ўқувчиларга қарата ўй узган.

«Associated Press» маълумотларига кўра, номаълум жинойтчилар мактаб бекатида ўқувчи ёшлар автобусга чиқиб кетган пайтда уларни ўққа тутта бошлаган. Маҳаллий полиция вакиллари йитишича, отишма икки киши томо-

нидан амалга оширилган. Жабрланганлар шифохонага ётқизилган. Ҳозирча икки нафар ўқувчининг аҳволи оғир. Тахминларига кўра, бир кун аввал ўқувчилар ўртасида келиб чиққан жанжал ушбу нохуш ҳолатга сабаб бўлган.

«ОЛИМПИАДА-2014»
ПОСБОНЛАРИ

Сочида ўтказилажак «Олимпиада-2014» мусобақасини 23 минг нафар мамлакат ҳарбийлари қўриқлайди.

Маълумки, яна тўрт йилдан сўнг айти киш фашида кўпчилигининг нигоҳи Сочида қаратилади. Россия ҳукумати халқаро беллашувни янада кўтаринки руҳда ташкил этиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Бу борадаги ишлар курорт шаҳар мусобақага эгалик қилиш ҳуқуқини кўлга киритган пайтдаёқ

бошлаб юборилган эди. Эслатиб ўтайти, 2007 йил 5 июль кун Гватемалада Сочи Жанубий Кореянинг Пхенчхан ва Австриянинг Зальцбург шаҳарларини ортда қолдириб, «Олимпиада-2014» шахри деб эълон қилинган эди.

Интернет хабарлари асосида таъйирланди.

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН



Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг асосисиз ўсишини олдини олиш, аҳолининг истеъмол маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида бир қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Шаҳар ҳокими қарорига

асосан тумандаги маҳалла ва мавзёларда қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи 16 та энгил конструкциядаги дўконлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар орқали ҳозирга қадар 31,4 тонна картошка, 22,5 тонна пиёз, 5,5 тонна гўшт, 6,4 тонна помидор,



4,3 тонна гуруч ва 15,7 тонна бошқа турдаги сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархларда аҳолига етказиб берилди. Маҳсулотлар деҳқон-фермер хўжаликлари билан тўғридан-тўғри шартнома асосида олиб келинаётганлиги уларнинг арзон ва сифатлига замин яратмоқда.

Бундан ташқари, 2007-2008 куз-қиш мавсумида туман аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида жами 814 тонна маҳсулот маҳсулот сотиб олаётган харидорлардан бири. — Чунки, бу ердаги маҳсулотлар бозордагидан бирмунча арзон, ҳам сифатли, ҳам тарозиси тўғри.

Дарвоқе, суратда кўриб турганингиз — ана шундай файзли, арзон нархларда савдо қилувчи дўконларни яқин орада тумандаги 49 та маҳалланинг ҳар бирига ик-китадан қуриш режалаштирилган. Бу аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилади, шубҳасиз.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Адолат» мухбири
Носир ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРЛАРГА
ҚУЛАЙЛИК

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Президент қарори хусусий секторни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдаги сунъий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш тегишли тартибда адлия идоралари ёки туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги инспекциялар томонидан, бир вақтнинг ўзида солиқ ва статистика органларида олиб боришмоқда. Арза берган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатига олиниб, унга гувоҳнома беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этаёпти. Бу эса тадбиркорларга анчайин енгиллик ва қулайлик туғдириши табиий.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг фаолият юртиши учун дастлабки қадам — фирма номларини қайд. Фирма номлари амалдаги тартибга кўра, статистика

идоралари томонидан икки кун муддатда тақдим этилиши лозим. Қолаверса, давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи органлар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари тўғрисидаги тегишли сўрономалар ва ахборотларни узатиш электрон почта алоқаси орқали йўлга қўйилгани тадбиркорлар мурожаатларининг қисқа муддатларда ҳал этилишига замин яратмоқда. Айни пайтда туманимизда тадбиркорлик субъектлари сони анчага кўпайиб, фаолиятда жойлашиб сезилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда вилоят Адлия ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бошқармалари доимий назорат қилиб бораётир. Бундан ташқари, қарор ижроси юзасидан жойларда амалий семинарлар, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.


Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Фориш туман
ҳокимлиги ҳузуридаги
тадбиркорлик
субъектларини рўйхатдан
ўтказиш инспекцияси бошлиғи

Тарихий обидаларимиз

ШЕРДОР МАДРАСАСИ

Регистон Самарқанднинг энг гўзал марказий майдонларидан бири. Регистон улкан пештоқлар, баланд миноралар, баҳайбат тоқу равоқ ва гўмбазлардан ташкил топган меъморий мажмуадир. Майдондаги Улугбек, Шердор медресалари, Тиллакорин масжид-мадрасаси меъморлик санъатининг нодир намунаси ҳисобланади.

Бўёқлар берилиб ишланган ҳамда бир-бирига чирмашиб кетган новдалар, очилган оқ гуллар жозибдор манзара ҳосил қилган. Пештоқнинг умумий узунлиги 12,5 метр, икки ёнида 31 метрли минора тикланган. Орқа томонда ҳам ик-



Бу қутлуғ заминда қандайдан-қандай мутафаккирлар, олимларнинг изи бори. Мадрасаларнинг ҳар бири меъморчиликнинг тараққиётининг ҷўқилари. Утган асрнинг 60-70 йилларида Самарқандда бўлган хорижий сайёҳларни Шарқнинг бу бебаҳо дурдоналари ўзини қурлиш услуби, бетакрор нақшлари, сирли лоҳувард кошнлари билан лол қолдирган. Уша давр матбуотида бу ҳақда қизиқарли мақолалар ёзилган, суратлар чоп қилинган. XIX асрнинг 70-90 йилларида эса Регистондаги бу меъморий обидаларнинг чизма макетлари жаҳон кўргазмаларини беэаган. Бундай кўргазмалар 1873 йили Австриянинг Вена, 1878, 1900 йиллари Париж, 1888 йили Даниянинг Копенгаген, 1893 йили АКШнинг Чикаго, 1902 йили Англиянинг Глазго, 1906 йили Милан, 1907 йили Франциянинг Бордо шаҳарларида ташкил этилган.

Регистон мажмуасидаги Шердор медресаси Мирзо Улугбек гўмбазли ҳонақоси ўрнида Самарқанд ҳоки-

ми Ялангтуш Баҳодир томонидан 1619 – 1636 йилларда қурдирилган. Қурилишга ўз даврининг моҳир меъмори Абдуҳафиз бошлиқ қилган. Тарху тўғри тўртбўчақ, икки қаватли, ўртада катта ҳовли, атрофида 54 та хужра жойлашган. Олд томони улкан пештоқ билан безатилган.

Пештоқ равоғи тепасидаги тимпан диққатга сазовор; қизғиш-зарҳал тусли шер оқ оҳуни қуваётгани тасвири туширилган. Кўёш бодомқовоқ, қийқ кўзли юз шаклида тасвирланган, зарҳал тусли ёғду билан хошияланган. Феруза ва зарҳал

кита минора бўлиб, баландлиги бинонинг баландлиги билан тенг. Мадраса пештоқида Ялангтуш Баҳодирнинг улуғловчи шеър битилган.

Шердор медресасини таъмирлашда Самарқанднинг тажрибали усталаридан Шамсиддин Гафуров, Жалол ва Болта Жураевлар, Қули Жалилов, Субҳатилло Соҳибназаров, Иброҳим Шермуҳамедов, Абдуғаффор Ҳаққулов, Анвар Қулиев, машҳур таъмирчи уста Мирумар Асодов ва бошқа усталар қатнашган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

ПОЛВОНГУРУНГ

Хорин қишлоғилиқ Карим бобо ҳудожўй одам. Қишлоқда икита беозор, камгап одам бўлса, биттиси – Карим бобо. Тўй-томосшаларга кам чиқади, бироқ таззияга, қирқ қақирим нарида бўлса ҳам, боради, марҳумнинг яқинларидан кўнгил сўрайди.

Яқинда шу инсон набираларини суннат тўй қилди. Ўғиллари Муҳаммаджон билан Маҳмуджонни ҳузурига қақириб шартини айтди:

– Икки юз кило гуруч дамласанг ҳам майли, лекин даврага арок қўймайсанлар.

Ўғилларнинг рози бўлишдан ўзга иложлари қолмади. Тўйларда курашиб юрган Муҳаммаджон отасига маслаҳат солди:

– Овозадор бўлмаса-да, полвон деган номимиз бор. Тўйда кураш беришни дилимга туккадим. Ароққа ажратилган пулга 20 та қўй-эчки

беради. Кураш берсак, хотирадан ўчмайдиган томоша бўларди-да.

Карим бобо оқ фотиҳа берди. Сандигидан беш-ўнта чопон-белбоғни чиқарди...

Бухородан Барно полвон ва Қарамон полвон, Ромитандан Саври полвон, Ғиждувондан Акмал полвон, Шифирқондан Шодмон полвон шогирдлари билан ташриф буюришди. Маҳалла-қўй юрағида ўти, билагиде кучи бор ҳамқишлоқларини олқишлаб турди.

Курашмисан кураш бўлди. Тўрт соат одамлар қимир этмай томоша қилди. Олтишдан зиёд катта-кичик соврин қолибларга топирилди. Қўй-эчки ютган полвонлар биродарларини эртасига шўрвага чорлади.


– Бунақа феъли кенглик, кўзи тўқлик туман микёсидаги тўйларда ҳам бўлмаган, –

дейди тўйнинг бош бақовулигини олиб борган таниқли полвон Барно Жураев. – Карим бобонинг тўйидан ортгани бундан-да яхши қунарага буюрсин!

Кураш сайли якунида Барно полвон ҳам қуруқ қолмади. Карим бобо унга ўз қўли билан тўн кийдирди.

Хоринлик Анвар полвон меҳмон полвонларни қўноққа айтди. Қўноқ – қадимдан полвонлар удуми. Катта меҳмонхонага қирқ нафар алп бемалол сифди. Саксон уч ёшли Сафар бобо ўй соҳиби номидан “хуш келибсизлар”ни айтди.

Дастурхон ноз-неъматларга тўлди, даврада гурунғ авж олди. Ўзи қатнамаса ҳам Карим бобога хўп олқишлар айтилди. Полвонлар кўзгалганда отлар кишаб, беданалар сайрайдиган вақт эди...



ҚЎҚОРЛАР «ЖАНГИ»

Бажожон қўқорбозга улфатлари гап отди:

– “Келин” муборак бўлсин!

– Қуллук, – деди Бажожон таъзим қилиб. – Бешинчи “уйланмиш”, қургурнинг.

Кулги авжига чиқди. Бегараз “қаҳ-қаҳа” ҳаммани яйратиб юборди.

Кейинги жуфтликда қора-булоқлик Қўлмурод бобонинг қўқори устун келди. У бир эчки ютди. Сўнг оғир вазни қўқорларга навбат келди. Хар бирининг вазни

юз килоча бор. Тарвузқўй-руқ бўр рангли қўқор билан бўйнида оқи бор, шохлари ёйқ қора қўқорнинг эгалари ўртага қўйилган солимани нималигига қизикдилар.

– Катта гилам, – деди бошқарувчи.

Авал бўр қўқорнинг эгаси арқонни бўшатиб, шохидан ушлаб турди. Бўрнинг қўзлари бежоллигини кўрдим. Турки ҳам қўрқинчли эди унинг.

– Оти нима? – сўрадим

қўқорнинг қўнғиз муйловли эгасидан.

– “Тайсон”, – деди у.

Жанг бошланди. Томошабинлар овоз чиқариб санашди:

– Бир, икки, уч... ўн тўрт, ўн беш, ўн олти...

Йигирма иккинчи калла зарбини “Тайсон” сал чўккалаб берди. “Оқ бўйин”нинг бурнидан қон отилиб кетди.

“Тайсон” буни мағлубият деб тушунди, йигирма учинчи марта калла зарбини беришга бораётди ярим йўлда

Дилмурод ЖАББОР

Спорт

ҚИЗГИН,

МУРОСАНИЗ

Нукус шаҳрида Турон яккакураши бўйича илк қитъа чемпионати ўтказилди

Мамлакатимизда миллий спорт ўйинларини оммавийлаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбек кураши ҳамда белбоғли курашнинг халқаро миқёсда эътироф этилган – ушбу спорт турлари бўйича қатор халқаро мусобақалар, турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари зўр муваффақият билан ўтказилгани сўзимиз тасдиқидир.

Яқинда яна бир миллий спорт тури – Турон яккакураши жаҳонга юз тугди. Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида мазкур спорт тури бўйича илк Осиё чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобақада мамлакатимиз спортчилари билан бирга, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистондан келган 400 дан ортиқ полвон 27 вазн тоифаси бўйича гиламга чиқди.

Мусобақа уч кун давомида мусобақачи курашларга бой тарзда давом этди. Шундан сўнг чемпионат қолиб-

лари аниқланди. Қизлар ўртасида Тошкент шаҳридан З.Нишонбоева, З.Мустафоева, М.Абдуллаева, Н.Ибодуллоева, Қорақалпоғистон Республикасидан Ф.Жумабоева, А.Найманова, Тошкент вилоятидан З.Генатунова, Жиззахлик С.Хўжамова, бухоролик Д.Сулаймонова, россиялик А.Брагина ўз вазн тоифалари бўйича шохсупага қўтарилди.

Йигитлар ўртасидаги курашда Ж.Жиенбоев, С.Сарибоев, Б.Жусипбеков, А.Абдурашитов (барчаси Қорақалпоғистон Республикасидан), Т.Махатов, И.Маринов, А.Нуржўаев, А.Расулов, Б.Қурбонов, Т.Исломова (Тошкент шаҳри), А.Ахмедов (Тошкент вилояти), А.Абдуллаев (Сирдарё вилояти), Ж.Қодиров (Фарғона вилояти), Б.Ҳамидов (Андижон вилояти), С.Эргашев (Самарқанд вилояти) ҳамда қозғистонлик А.Абдусулаймонов ва тожикистонлик Б.Каримов қолиб деб топилди.

Ўз муҳбиримиз



Нозир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Мамлакатимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказишга устувор масала сифатида қаралмоқда. Шу эзгу максатда юзлаб замонавий таълим-тарбия масканлари самарали фаолият юритмоқда.

Пойтахт вилояти Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 30-сонли МТМ махсус таълим-тарбия муассасаси ҳисобланади. Бу ерда асосан қўзида нуқсон бор болалар тарбияланади. Айни пайтда таълим масканидеги тўртта гуруҳда 67 нафар жажжи ўғил-қиз тажрибали ва меҳрибон тарбиячилар, шифокорлар ғамхўрлигида вояга етишмоқда.

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР

ёхуд тавозеъ шараф ва иззат босқичи эканлиги хусусида

Донишмандлар қуйидаги ўн тўртта ахлоқий фазилатни инсон учун энг қарақли фазилатлар деб тоғналар:

1. **Риёзат** – нафсингни тий, ортиқ даражада ейишдан, ичиндан сақлан.

2. **Сукут** – ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч бир фойдаси тегмайдиган олдиқочди сўзларни сўзлашдан чекин, жим бўл.

3. **Интизом** – ишинг тартибли бўлсин, ўз вақтида бажар, кечиктирма.

4. **Мақсад** – бир ишга қиришмоқчи бўлсанг, энг аввал яхшилаб ўйла, шу ишдан кутган мақсадинг нима эканини яхши тушу, бир қарорга кел. Кейин режалаштирган ишингнинг ҳеч камчиликсиз адо қил.

5. **Тажаш** – иқтисод, яъни тежашга, риоя қил, ўзингга ва халққа фойдаси тегмайдиган нарсаларга пул ва мол сарф қилма, исрофдан сақлан.

6. **Сайё ва шуғуллиниш** – вақтинг бекордан-бекорга ўтказма. Доимо фойдала иш билан машғул бўл, керак бўлмаган нарсадан чекин.

7. **Матонат** – ишингда чидамли, матонатли бўл. Ҳийла-найранг ишлатишдан ҳазар қил, тушунчанг пок, соф ва ҳаққоний бўлсин, тушунганинг каби сўзла ва ишла.

8. **Ҳаққоният, тўғрилиқ** – адолат ва ҳаққонийлиқни ўзингга раҳбар қилиб ол, ҳеч кимга зарар, қасд этма.

9. **Мўтадиллик** – ҳар вақт мўтадил ҳолда иш юрит, ҳаддан ортиқчаликдан сақлан.

10. **Назокат** – кир, ифлосликдан ҳазар қил, вужудинг, либосинг ва ўй-жойингнинг тоза, покизалигига диққат қил.

11. **Қалб ҳузур-роҳати** – майда-чуйда ва истаганингча бўлай қолган ишлардан ҳафаланиб саломатлигинг бузма, қалбингнинг ҳузур-роҳатини қўзла.

12. **Ифбат** – адабли, шарм-ҳаёли, номусли бўл.

13. **Тавозеъ** – ўзингга камтар тут, тавозеъ шараф ва иззат босқичи эканини унутма.

14. **Мулоимлик** – сабрли, мулоим, очик ўл, ширин сўзли бўл. Ҳеч кимга қўпол муомала қилма.

Олим фозиллардан Хурраимий айтди:

– Болаларим, ёшлиқни ғанимат билинг, фақат ўйин-қўлги, қайф-саф билан ёшлиқ даврингизни зоо этманг, ўқинг, ўрганинг, илмли, ҳунарли бўлинг. Агар ёшлиқ даврингизда ўзингизни тўтиб олмасангиз, кейин қаттиқ пушаймон қиласиз, лекин фойда бермайди, – деб насиҳат қиларди. Шу журматли инсоннинг насиҳатларига амал қилган ёшлар бахт-саодатли бўлдилар.

(Е.Абдуллаевнинг «Қизилқарни статистика» китобидан)

Қадрият

“Адолат” ҳуқуқий маслаҳатхонаси

КАССАЦИЯ ШИКОЯТИ НИМА?

Суд ҳукмлари устидан кассация тартибиде шикоят бериш, қўриб чиқиш тартиби тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

Орол ХУДОЁЕВ

Қашқадарё вилояти

Амалдаги қонунчиликка қўра, маҳқум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний қўча қирган ҳукми ва ажримни устидан (агар иш апелляция тартибиде қўрилмаган бўлса) кассация тартибиде шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг қонуний қўча қирган ҳукм ва ажрим (қарор)ининг қонунчилиги, асосланганлиги ва адолатлигини тўпланган қўшимча материаллар, жинойт иши, апелляция инстанциясига келтирилган вазжал асосида текширади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, шикоят бериш эркинлигининг мавжудлиги, ишларни тафтиш асосида қўрилиши, тарафлар тенг ҳуқуқлигининг таъминланиши, маҳқумнинг аҳолини оғирлаштирадиган томонга ўтилмаслиги, энг муҳими, ҳукм, ажрим (қарор) қонуний қўча қиргандан кейин ҳам бир йил давомида шикоят бериш ва протест келтириш имкониятларининг берилишидир.

Кассация шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шунингдек, бевосита кассация инстанциясининг ўзига ҳам тақдим этилиши мумкин. Кассация шикояти берган шахс, шунингдек, берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчилари суд томонидан ишнинг қўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиниши шарт. Ҳукм, ажрим ва қарор қонуний қўча қирганидан кейин ҳукм чиқарган суд бир ойлик муддат ичиде жиноят ишини шикоят, протест, унга билдирилган эътирозлар, тақдим этилган қўшимча материаллар билан кассация инстанция судига юборади. Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан қўли билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят берган шахс ўз шикоятини, протест берган шахс ёки юқори турмуви прокурор протестни, маҳқум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақли.

Кассация инстанция судида иш қўриш бир неча қисмдан иборат бўлади: – кассация инстанция судида иш қўриш учун тайёргарлик; – қисман суд терговини ўтказиш; – суд музокараси; – судланувчининг охириги сўзи; – суд қарорини чиқариш учун маслаҳатхонага кириш.

Кассация суди мажлисига гувоҳ, эксперт ва мутахассислар жалб қилиниши лозим деб топила, улар тақлиф қилинади. Иш қўриладиган жой ва вақт ҳақида оғолантирилган шахсларнинг узрсиз сабаблар билан суд мажлисига келмаслиги эса ишни қўришга монелик қилмайди. Лекин у ёки бу қатнашувчиларнинг тушунириш бериш учун қақариш лозим бўлган ҳолларда уларни келтириш чоралари қўрилади.

Суд мажлисида иштирок этаётган шахслар (маҳқум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жаъвогар ва уларнинг вакиллари) тушунтириш берадилар. Қайси иштирокчи шикоят берган бўлса, ўша шахсга биринчи бўлиб сўз берилади. Агар иш прокурор келтирган протест асосида қўриладиган бўлса, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади ва ўз протестини асослаб беради. Шундан сўнг суд мажлисига қақаририлган шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис) сўроқ қилинади.

Кассация инстанция суди иш юзасидан чиқаради. Ажрим судьяларнинг кўпчилиқ овози билан қабул қилинади ва имзоланади. Кассация инстанцияси судининг ажримини эълон қилинган вақтидан бошлаб қўча қиради.

Саволинигизга Жавоб ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман суди раиси Н.МИРЗАЛИМОВ жавоб бери

Тахрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛИЁЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талғат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 136-53-14; факс – 133-40-86; котибият – 136-55-96; реклама бўлими – 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланиди

• “Адолат”дан қўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади. t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи – Б.БОТИРОВ Саҳифаловчи – З.БАКИРОВ

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru